



...Журналист – бу шунчаки хабар ташувчи эмас. У – одамларга жамиятнинг моҳиятини аниқлаш, унинг тараққиёт сари қадам қўйишига ёрдам берувчи шахс. У қаламга олаётган ҳар бир мавзусида нафақат воқеликни тасвирлаб бериши, балки уни таҳлил қилиши, сабаб ва оқибатларини кўрсатиши, ечим йўллари оғиб беришга ҳаракат қилиши шарт. Агар жамият тараққиётида сунъий тўсиқлар, инкор қилиб бўлмайдиган муаммолар учраса, уларни ҳам атрафлича таҳлил қилиб, очик-ошкора айта олиши керак. Бу – журналистнинг фақат ҳуқуқи эмас, балки бурчи ҳам.



Табрик

СИЗЛАР — АДОЛАТ ОВОЗИСИЗЛАР!

Ҳурматли журналистлар, муҳтарам матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Сиз, азизларни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этамиз!

Бу сана нафақат қалам ва микрофон аҳли, балки бутун жамиятимиз учун ҳам муҳим кундир. Зеро, эркин ва профессионал журналистика шунчаки ахборот тарқатувчи эмас, балки жамиятни уйғотувчи, фикрловчи ва юксалтирувчи қудратли кучдир.

Журналистлик – оддий касб эмас. Бу – жанговарлик, ҳолислик, юксак ақл ва масъулият талаб қиладиган фидойилиқдир. Биз ҳар бир сўз эгасига жамият номидан сўзлаётган шахс сифатида қараймиз ва сизнинг эркин, ҳақиқатпарвар позициянгизни адолатни қарор топтиришдаги энг муҳим таянчимиз, деб биламиз.

“Адолат” социал-демократик партияси сўз эркинлигини демократик қадрият ва фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдевори сифатида қадрлайди. Биз журналист овозини давлат ва жамият ўртасидаги адолат мезонини ифода этувчи муҳим ижтимоий механизм, деб биламиз. Чунки ҳақиқатни очик айтиш, муаммоларни яширмасдан муҳокама қилиш – очик жамиятнинг асосий талабидир.

Шубҳасиз, сўнгги йилларда юртимизда сўз эркинлигини таъминлаш, ОАВ фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида улкан ислохотлар амалга оширилди. Эндиликда журналистлар

ва сиёсий партиялар ўртасидаги муносабатни янги, яъни ҳақиқий стратегик ҳамкорлик даражасига олиб чиқишни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Зотан, бугунги дунё ахборот кураши майдонига айланган бир пайтда, ахборот хуружлари ва тенгсизлигидан аҳолимиз манфаатларини ҳимоя қилиш бизнинг устувор вазифамиздир.

Шу мақсадда “Адолат” партияси мамлакатимизда ахборот сиёсатини ривожлантириш, жумладан, журналистлар хавфсизлигини кафолатлаш, уларнинг ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, давлат идоралари фаолиятида “Очик эшиклар сиёсати”ни мустақкамлаш, блогер ва фрилансерларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ҳамда маҳаллий ОАВни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ тақлифларни илгари сурмоқда ва бу йўлдаги барча ташаббусларни қўллаб-қувватлайди.

Қадри ижодкорлар!

Барчангизни яна бир бор касб байрамингиз билан табриклаймиз. Сизларга мустақкам соғлиқ, ижодий парвозлар, қаламингизга ўтқирлик, сўзингизга эса улғуворлик тилаймиз.

Биз сизларни эшитишга, қўллаб-қувватлашга ва доимий ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёрмиз!

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси

Юзма-юз мулоқот

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

**ОЧИҚЛИК,
АДОЛАТ ВА
ХАЛҚ МАНФААТИ —
УСТУВОР
МЕЗОН**

Бугун Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг янги босқичи – давлат бошқаруви ва ижтимоий ҳаётда инсон манфаатларини кафолатлаш, адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, жамиятда очиклик, самарадорлик ва жавобгарлик муҳитини қарор топтиришга йўналтирилмоқда.

Бу борада жорий йилнинг 16 июни Президентимиз раислигида ўтказилган ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, уларнинг моҳиятини аҳолига етказиш, чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Айни пайтда халқ билан юзма-юз мулоқот қилиш, фуқароларни ўйлан-тираётган муаммоларини тинглаш ва уларга самарали ечим тақлиф этиш орқали давлат ва жамият ўртасидаги ишончни янада мустақкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ислохотлар моҳиятини фуқароларимизга етказиш, жойларда адолат мезонларига таянган ижтимоий сиёсатнинг қай даражада амалга оширилаётганини ўрганиш, юртдошларимиз кундалик ҳаётидаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Робахон Махмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятида ўрганиш ишларини бошлади.

Ишчи гуруҳ вилоятдаги ўрганишлари доирасида дастлаб Гулистон шаҳридаги 19-сонли мактабгача таълим муассасасида болалар соғлиғига оид долзарб йўналиш – яссиоёқлик ва сколиоз каби патологияларни эрта аниқлаш ва уларга кўмак бериш мақсадида ташкил этилган тиббий кўриқда иштирок этди.

Навбатдаги манзил – Гулистон шаҳридаги “Intellect” хусусий мактабгача таълим муассасасида ўтказилган тиббий кўриқда ҳам айни шу жиҳатларга ург берилди...

Жаҳон банки ёшларнинг иқтисодига 13 мингга яқин ёшлар бор. Уларнинг катта қисми ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол. Учрашувда фаол ёшлар ўз гоё ва ташаббусларини тақдим этдилар, стартап лойиҳалари, IT технологиялар, муҳандислик ва тадбиркорликдаги амалий ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди. Тадбир давомиди Сиёсий Кенгаш раиси ўринбосари Озода Парпобоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Нодира Жанибековалар пар-



Сирдарёлик “адолатчилар” сафида 13 мингга яқин ёшлар бор. Уларнинг катта қисми ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол.

Учрашувда фаол ёшлар ўз гоё ва ташаббусларини тақдим этдилар, стартап лойиҳалари, IT технологиялар, муҳандислик ва тадбиркорликдаги амалий ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди.

Тадбир давомиди Сиёсий Кенгаш раиси ўринбосари Озода Парпобоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Нодира Жанибековалар пар-

тиянинг ёшлар сиёсатидаги вазифалари ва тажрибалари, қонун ижодкорлигидаги иштироки, маънавий-маърифий йўналишдаги ишлари ҳақида сўз юритишди.

Учрашув якунида Робахон Махмудова йиғилганларни яқинлашиб келаётган гўзал ёшлик ва шижоат айёми бўлган 30 июнь – Ёшлар куни билан самимий муборакбод этиб, уларга партиянинг вилоят кенгаши ташақкурномаси ва эсдалик совғаларини топширди.

Қутлов

Ҳамкасбимиз юксак мукофот билан тақдирланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Бизни беҳад мамнун этган хушхабар шу бўлдики, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни қучураштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиклик тамойилларини мустақкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, юқори малакали, замонавий журналист кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун **ГАЗЕТАМИЗ МУХБИРИ КАМОЛ МАТЎҚУБОВ “Дўстлик” ОРДЕНИ** билан тақдирланди!

Биз устоз ҳамкасбимиз Камол акани юксак мукофот билан чин дилдан қутлаймиз!



“Adolat” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти жамоаси

Тақдимот

“Судьянинг онгида – АДОЛАТ, тилида – ҲАҚИҚАТ, дилида – ПОКЛИК бўлиши шарт”

Таниқли ҳуқуқшунос Убайдулла Мингбоевнинг “Ҳаётим ҳақиқатлари” китобини ўқиб...

Масалан, “Инсон тақдирига дахлдормиз” бўлимида муаллиф судьянинг нафақат қонун устуворлигини таъминлаш, балки инсон тақдири учун ҳам масъул эканини уқтиради. Унга кўра, суд залида ўтирган ҳар бир киши – у судланувчи бўлсин ёхуд даввогар – оддий рақам эмас, балки ўзига хос ҳаётга тўла инсон. Шу боис, судья адолатни қоғозда эмас, одамнинг юрагида акс эттира билиши керак. “Судья бўлсанг – ҳалол бўл!” ёки “Одил судлов маданияти” каби бўлимларда эса судьянинг шахсий фазилатларига ург берилган.

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ.

Айни кунларда **Олий Мажлис Қонунчилик Кунчилиги** палатаси депутatlари **Гулнорахон Абдувоҳидова** ва **Мавлудахон Адхамжоновна** ўз сайлов округларида ўрганиш олиб боришмоқда.

Дастлаб депутатлар партиянинг вилоят кенгашида бўлиб, партия вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва фаол ёшлар билан учрашди.

Ўрганишлар доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг жойлардаги натижадорлиги, ҳудудларда ишлар қандай ташкил этилаётгани ҳамда аҳолини ўйлантираётган долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Мазкур мулоқотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2025 йил 16 июнь куни ўтказилган ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийинлашган масалалар таҳлили бўйича видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ва улардан келиб чиқадиган устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

Депутат Гулнорахон Абдувоҳидова Избоскан туманидаги "Мурувват" ногиронлиги бўлган аёллар интернат уйида бўлиб, муассаса фаолияти билан танишди. Ушбу ўрганиш давомида депутат сайловчилар билан учрашиш билан бирга, ижтимоий соҳа объектларидаги ишлар ҳолатини ҳам ўрганди.

Интернатда охириги йилларда амалга оширилган ишлар эътирофга лойиқ — бинолар таъмирланган, турмуш шарт-шароитлари яхшилланган. Бироқ, муаммолар ҳам йўқ эмас.

Жойларда ишлаётган айрим тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси етарли даражада эмаслиги, икки нафар истиқомат қилувчининг руҳий ҳолати оғирлашган даврда ҳам Андижон вилоят руҳий касалликлар шифохонасига ўз вақтида юборилмаганлиги депутатда ташвиш уйғотди. Шунингдек, муассаса ошхонасидаги совутич ишламаётганлиги аниқланди.

Гулнора Абдувоҳидова ва "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши фаолларининг Избоскан туманидаги хонадонларга кириб бориши қатор муаммолар ечимига йўл очди. "Ўзунқўча" ва "Қумқўча" маҳаллаларида дастлаб "маҳалла еттичилиги" билан суҳбат ўтказилди. Давлатимизнинг бугунги сиёсати, қонунчилигимизга киритилаётган ўзгаришлар ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар кўрсатиб ўтилди. Тиббий фаоллари зиммасидаги масъулият кескин ортгани таъкидланди.

Хонадонларга кириб борган депутат ва партия фаоллари аҳоли бандлиги ҳамда оилапарининг турмуш кечириш даражасига эътибор қаратдилар. Депутат ўз ўрнида фуқароларни қийнаётган муаммоларга қулоқ тутди.

— *Давлатимиз томонидан аҳолига бўлган эътибор ва яратилаётган қулайликлардан мамнунмиз, — деди Сойбўйи кўчасида яшовчи Усмонжон Қирғизбоев. — Бизни қийнаётган биргина муаммо — кўчамиз асфальт қилинмагани. Ёмғирли кунларда болалар ва аёллар учун қийинчилик туғилади. Агар шу иш амалга ошса, аҳолимиз янада яхшиланади.*

Мазкур кўчада яшовчи ёш тадбиркор Дилором Ибрагимова маҳалла қизларига тикувчиликдан устозлик қилмоқда. Субсидия асосида унга 2 та тикув машиниси берилган. Бироқ у етарли эмас.

— *10 нафар ёшлар билан хонадонимизда иш олиб борапмиз. Тикувчиликни ўрганиш истагидоғилар кўп, — дейди Д. Ибрагимова. — Бироқ тикув машинаси етишмайди.*

Депутат мазкур ҳолатларни ўз назорати олдига олиб уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўрилишини маълум қилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва шу йўл билан камбағалликнинг олдини олиш бугун олдимизда турган дол-

зарб вазифалардан бири. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинларида олиб борилаётган ишлар, тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли. Шунга қарамай савол туғилади: МФЙларда бу борада олиб борилаётган ишлар талаб даражасидами?

Депутат Мавлуда Адхамжоновна юқоридagi саволга жавоб топиш мақсадида Олтинқўл туманида бўлди. МФЙ фаоллари камбағалликдан чиқишнинг энг ишончли йўли иш билан бандлик ва тадбиркорликни ривожлантириш эканлигини эътироф этдилар. Бу борада давлатимиз томонидан яратилган қулайликлар фуқароларнинг фаоллигини ошираётгани билдирилди.

Тумандаги "Ижтимоият" МФЙда олиб борилаётган ишлар ўрганишга аризири. "Маҳалла еттичилиги" томонидан ҳар бир оила назоратга олинган. Натижада МФЙда ишсизлик тўла бартараф этилган. Ҳар икки хонадоннинг бирида тадбиркорлик ёки хунармандчилик йўлга қўйилган. Аҳоли томорқадан фойдаланишда ҳам ўзига хос мактаб яратган.

Биргина мисол, Хурзамон кўча, 6-уйда яшовчи Одилжон Даминов оиласи доим изланишда. Оила аъзолари бир бўлиб, бир неча йилдирки стол-стул ишлаб чиқариб, бозорга олиб чиқмоқда. Натижада оиланинг даромади ўсди, 5 нафар маҳалла ёшларининг ҳам бандлиги таъминланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наримон Умаров Юқори Чирчиқ туманида масъул раҳбарлар, тадбиркорлар ва аҳоли билан олиб борган мулоқотлари жараёнида, энг аввало, аҳоли саломатлигини таъминлашга эътибор қаратди.



Хусусан, туман кўп тармоқли марказий шифохонасида касалликларнинг олдини олиш бўйича ўтказилган профилактик тадбирлар натижалари, беморларнинг дори-дармон воситалари билан таъминланиши ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати мониторинг қилинди. Бу борада 2025 йилга мўлжалланган давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди, уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Халқ депутатлари Юқори Чирчиқ тумани Кенгаши депутатлари билан мулоқотда "Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким" тамойилини рўёбга чиқариш мақсадида Президентимизнинг шу йил 23 июнь куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030

йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Қайд этилганидек, фармон билан халқ вакилларининг обрўси ва аҳоли муаммоларини ҳал қилишдаги имкониятларини ошириш мақсадида маҳаллий бюджетлар лойиҳасини шакллантиришда ҳудудлар тоифасидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджет харажатларининг 3-5 фоизини бевосита маҳаллий Кенгаш депутатларининг ташаббуси асосида шакллантириш, Сенат билан ҳамкорликда "Сайловчи — депутат — ҳоким — Кенгаш" турт бўғинли ўзаро ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш белгиланди.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Султонравот" ва "Чумчуқар" МФЙларда "маҳалла еттичилиги" билан ўтказилган мулоқотларда мамлакатимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасида ишлар таҳлил қилиниб, қамров ва сифатини ошириш юзасидан зарур вазифалар белгиланди.

Шунингдек, маҳалла фаолларининг иш фаолиятида учраётган мазмурий ва бюрократия тўсиқлар ҳамда коррупцияга имкон берувчи сабабларни бартараф этиш бўйича фикрлари тингланди. Тўй-ҳашам, маърака ва маросимларда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳалоллик, шукроналик билан ҳаёт кечириш муҳимлиги ҳақида фикр алмашилди. "Қизил" тоифадаги маҳаллаларда жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва уларнинг содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф этиш бўйича маҳалла фаолларининг таклиф ва тавсиялари эшитилди.

фуза Расулмуҳамедова ҳамда тумандаги масъул корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Қабул давомида фуқаролардан асосан ишга жойлашиш, уй-жой олиш ва таъмирлаш, шунингдек, субсидия ажратиш каби масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушди.

Мурожаатларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилди. Қўшимча ўрганиш талаб этиладиган масалалар эса белгиланган муддатда бартараф этиш учун тегишли ташкилотларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Манзура Салимова партиянинг "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" лойиҳаси доирасида Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлди.

Ўрганиш давомида депутат ёзги таътилни мазмунли ўтказаятган 93 нафар ўқувчининг дам олиши ва соғломлашиши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Хусусан, 4 та гуруҳдан иборат



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулруҳ Агзамова Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бўлиб, бир қатор муҳим объектлар фаолияти билан танишди.

Депутат тегишли масъуллар билан биргаликда ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича фикр алмашди.

Шунингдек, аҳолининг турмуш даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш, мавжуд захира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиш юзасидан тумандаги "Олтинтопан" маҳалласи фуқаролари билан очик мулоқот ўтказди.

"Адолат" СДПнинг "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" лойиҳаси доирасида Бектемир туманидаги 575-сонли мактабга таълим ташкилотида бўлиб, сколиоз ва яссиоёқлик каби касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган тиббий курикларда иштирок этди. Болаларнинг саломатлигини асраш ва уларни вақтида тиббий текширувлар билан таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Депутат туман тиббиёт бирлашмаси марказий кўп тармоқли поликлиника фаолияти билан ҳам яқиндан

оромгоҳнинг ётоқхона, ошхона ва тиббиёт хоналари ҳолати кўздан кечирилди. М.Салимова соғломлаштириш машғулотларини ташкил этиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қи-



лиш ва овқатланиш тизимини яхшилаш бўйича масъулларга зарур тавсиялар берди.

Учрашувда иштирок этган туман ҳо-

Фарғона шахридаги "Нихол" болалар соғломлаштириш марказида бўлиб, бу ерда болалар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганди.

Марказда 205 нафар бола ёзги таътил давомида дам олиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Ўрганишлар давомида депутат ётоқхоналар, ошхона, тиббиёт хоналари фаолияти, уларда санитария-гигиена талабларига амал қилиниши, шахсий гигиена воситаларининг етарлилиги, тозалikka риоя этилиши ва озиқ-овқат сифати борасида кенг қамровли таҳлиллар олиб борди ва масъул раҳбарларга мазкур йўналишларда амалий таклифларини берди.

Оромгоҳда болаларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тохир Полвоновнинг Хоразм вилоятидаги ўрганишлари партия вилоят кенгаши фаоллари билан учрашувдан бошланди. Учрашувда партия вилоят кенгаши раиси Содикжон Содиков сайловчилар мурожаатлари ҳамда уларни ҳал қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан "ясси оёқ" ва "скалиоз" касалликлари бўйича ўтказилаётган тиббий куриклар ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, депутат Янгиариқ туманидаги "Оғаҳий" маҳалласида бўлиб, "маҳалла еттичилиги" фаолияти билан танишди.

«Маҳалла еттичилиги» — жойлардаги муаммоларнинг марказга етиб бормасдан маҳалланинг ўзида ҳал этиш, аҳолига бевосита хизмат кўрсатиш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчиликнинг олдини олиш каби масалаларда жуда муҳим ва самарали тизим ҳисобланади.

Маҳаллада ҳозирги кунда 3547 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 4 нафари ёлғиз яшовчи, 176 нафари ногиронлиги бўлган фуқаролардир. "Маҳалла еттичилиги"да фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиси Санъатбек Якубов маҳаллада 6 ой давомида 44 та фуқарога 730 миллион сўм кредит ажратилганлиги, фуқароларнинг ўзини-ўзи банд қилиб, ишсизлар сони камаётганлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга, Тохир Палвонов Янгиариқ туманидаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимида

ҳам бўлиб, фуқаролар мурожаатлари ва уларнинг ижросига эътиборни қаратди. Бўлимда коррупцияга қарши кураш борасида жиддий ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Айниқса, давлат хизматлари, таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш, солиқ соҳаларида шаффофлик юзага келган. "Ўз соҳасига ишонч ва хурмат — нафақат шахсий йотуқ, балки жамият тараққиётининг ҳам асосидир", — деди депутат.

Депутат тумандаги "Yantex Invest" МЧЖ фаолияти билан ҳам танишди. Корхона раҳбари Зулфия Мадрасимова 79 нафар аёлни иш билан таъминлаган, уларнинг уч нафари ногиронлиги бўлган фуқаролар. "Yantex Invest"да ишлаб чиқарилаётган 40 турдан ортиқ маҳсулотлар 12 давлатга экспорт қилинмоқда. Корхона раҳбари туман аҳолисини иш билан таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида келгусида янада кўпроқ иш ўринлари яратишни режалаштираётганини қайд этди.

Тохир Палвоновнинг Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказидаги тиббиёт соҳаси ходимлари билан учрашувда асосий гап соғлиқни сақлаш тизими масалаларига қаратилди.

Учрашув сўнггида депутат иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофича жавоб берди.

Депутатларнинг жойлардаги учрашувлари давом этмоқда.



танишди. Полиликаниканинг имкониятлари, тиббий хизматлар сифати ва беморларни қабул қилиш жараёنлари билан қизиқиб, аҳолига юқори даражадаги тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

кимни ўринбосари Азимжон Исмолов депутатни оромгоҳда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, танловлар ва спорт мусобақалари дастури билан таништирди.

Шунингдек, **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёбек Юнусов**

Таниқли журналист, сенатор Абдусайд КЎЧИМОВ:

“Сўз масъулияти – қалб ва ҳаёт эҳтиёжи”

Ҳар бир халқнинг маънавий юксаклиги унинг юрт қадрини улуғлаши, сўзнинг мўъжизавий қудратини англаши, тафаккур эркинлиги билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ушбу жараёнда ўтмиш билан бугун, бугун ва келажак, ҳақиқат ҳамда виждонни боғлайдиган нозик кўприк бу – журналистика ҳисобланади. Ахборот ва сўз эркинлиги борасидаги ислохотлар, журналистнинг ижтимоий ва маънавий вазифаси, айниқса, оммавий фикрга таъсир кўрсата оладиган қалам эгалари олдидаги юксак масъулият – бугуннинг долзарб мавзуси бўлиб қолмоқда. 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни олдидан мамлакатимиз ахборот майдонида ўзига хос услуб ва қарашига эга бўлган журналист, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) директори, сенатор Абдусайд Кўчимов билан суҳбатимиз миллий журналистикамизнинг кеча ва бугуни, сўз эркинлиги, бу соҳада ёшлар зиммасидаги масъулият, ахборот муҳитидаги таҳдид ва имкониятлар, қалб ва қалам орасидаги боғлиқлик атрофида кечди.

– Касб байрамингиз билан сამимий муборакбод этамиз! Юксак масъулият, салоҳият ва қалбдаги муҳаббат билан кечадиган фаолиятингиз, албатта, биз ёшлар учун намунадир. Суҳбатимизни соҳага бўлган илк қизиқишларингиздан бошласак...

– Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 37-мактабда таҳсил олганман. Айтишми мумкинки, мазкур таълим дароҳи ўзига хос маънавий муҳитга эга эди – унда мендан аввал Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқубов ҳамда Эркин Неъматов, Абдурашид Абдурахмонов, Эшқобил Абдиев каби таниқли ижодкорлар етишиб чиққани, уларнинг айримлари мен 5-6 синфдалимгдаёқ ўз ижодий ишларини матбуот саҳифаларида доимий эълон қилиб боргани, уларга ҳавас қилганим журналистикага бўлган қизиқишимни оширдди, дея оламан. Биз уларнинг мақолалари ва шеърларини газета-журналларда ўқиб, сўз кучига ва ижод масъулиятига маҳлиё бўлардик. Шу муҳит таъсирида ўша пайтларданок мақола ёзишни бошлаганман. Илк мақолам мактабнинг деворий газетасида эълон қилинган. У пайтда ҳар бир синфнинг ўз газета бурчаги бўлар, биз эса “Синф кўзгуси” номли деворий газета чиқардик.

Шундан сўнг туманимизда нашр этиладиган “Октябрь алангаси” газетаси ҳузуридаги “Ишчи-деҳқонлар мухбири” тўғарагида иштирок этдим. Дўстим Искандар Боймуродов билан бирга ҳар ҳафта кишлоғимиздан Ургутга қатнардик. Туман маркази узоқ эди. Транспорт етишмаслиги туйғайли баъзан юк машиналарига, гоҳида ишчи автомобилларга илиниб боришга тўғри келарди. Аммо қалбдаги истак – ўз сўзимни айтмоқ, ўз фикримни етказмоқ – барча монёвликлардан устун турарди. Газетада Файиз Хайдаров, Эргаш Мажинов, Нарзулла Файзиев, Раҳмон Ғўраев каби ўз вақтида таниқли бўлган журналистлар фаолият юритарди. Улар билан мунтазам алоқада бўлиб, мақолаларимиз, шеърларимизни кўрсатардик, уларнинг маслаҳатларини тинглардик. Бу эса бизнинг ижодий шаклланишимизда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, мен ҳаётимда катта из қолдирган инсонлардан бири – ёзувчи Асад Дилмуродов билан ўша пайтда танишганман. У киши менга қалам масъулиятини, сўзга садоқатни ўргатди.

Мактабни тамомлаганимдан сўнг, журналистика йўналиши бўйича олий таълим олиш ниятида Москва давлат университетига ҳужжат топширдим. Афсуски, чет тили бўйича етарлиқ тайёргарлик кўрмаганим сабабли синовдан ўта олмадим. Бу мағлубият мен учун оғир бўлди. Чунки мактабдаёқ “маҳоратли журналист” сифатида танилгандим. Ўқишга қира олмай қайтиб бориш – мен учун орият масаласи эди. Бир йил давомида қурилишда ишладим, қумқоғоз ишлаб чиқардиган корхонада меҳнат қилдим. Кейинги йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ҳужжат топширдим. Илк уринишда тўлиқ муваффақиятга эриша олмадим, бироқ умидимни йўқотмадим. Кечқурун ўқиб, кундуз меҳнат қилиб, яна бир йил тайёргарлик кўрдим. Ва ниҳоят,

кундузги таълим бўлимига қабул қилиниб, институтни муваффақият билан тамомладим. Таълимни якунлагандан кейин “Ўқитувчи” наشريётида иш бошлаш таклифи тушди. Шу билан менинг расмий меҳнат фаолиятим бошланди. Бошланишданок бу жараён юракдаги иштиёқ, сўзга бўлган муҳаббат ва доимий изланишлар билан йўрилгани, журналист бўлишим ҳаётда танлаган йўлим, тақдиримга айланганига ҳозир шукрона айтаман.

– Замон ўзгармоқда, медиа майдонида тезкорлик, технология ва янгилик талаблари етакчилик қилляпти. Журналистиканинг эса жамиятдаги ўрни, инсонларга етказадиган маънавий ва маърифий таъсири ҳақида долзарб. Шу нуктаи назардан, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларига, хусусан, миллий журналистикага бўлган эътибор ва унинг ижтимоий вазифаси қай даражада, деб ҳисоблайсиз?

– Бу масалага етарлича баҳо бериш учун, менимча, мустакилликнинг дастлабки йилларига бир назар ташлаш керак. Чунки айнан ўша даврда миллий матбуот олдига тарихий вазифа қўйилди: халқни тўғри ахборот билан таъминлаш билан бирга, янги ижтимоий-сиёсий воқеликни халқ онгига синдириш. Яъни, жамиятдаги кўзгу вазифасини бажариш билан бир қаторда, уни тозалаш, поклаш, руҳий етуклик сари бошлаш ҳам заруратга айланганди. Ўслаш керакки, шу давргача биз йиллар давомида мутлақо бошқа мафкура таъсирида яшаганмиз – аввал Чор Россияси, кейин эса Совет иттифоқи ғоялари онгимизга чуқур сингган. Ахборот воситалари асосан мафкуравий топириқларни бажариш учун мавжуд эди. Бунинг ичида журналист ҳам, нашр ҳам фақат ижрочи ролини бажарарди.

Мустакиллик эса барча соҳалар қатори, матбуотни ҳам тубдан ўзгартирди. Журналистлар жамият олдидаги масъулиятини янада теран англаб, янги даврнинг янги нафасини халққа етказиш, эркин сўз фазосини яратиш, ўзликини англаш ва миллий қадриятлар асосида фикр майдонини кенгайтириш вазифасига сафарбар этилди. Бу осон бўлмади. Сабаби, ўша даврда матбуот жуда катта эътиборда бўлган, халқнинг унга эътиқоди ҳам юқори эди. Вақт ўтиб, дунё ўзгарди. Ахборот майдонида интернет, блогерлик ва рақамли медиа шакллари пайдо бўлди. Интернет фойдаланувчилари ва ахборот истеъмолчилари сони кўпайди. Натижада “матбуотнинг куни битди”, “энди ҳеч қим газета ўқимайди” каби фикрлар тарқалди. Лекин бу бир томонлама ёндашув. Ҳақиқат шундаки, тезкор ахборот етказиш – медиа воситасининг ягона вазифаси эмас. Журналистиканинг энг муҳим қирраси – тарбия ва маърифат, ҳолислик ва масъулият, ғоявийлик ҳамда маънавият ва бошқа кўплаб жабҳалар билан боғлиқ.

– Сенатор сифатида сиёсий майдонда ҳам халқ дардига қулоқ тўтиб келяпсиз. Айтингчи, шундай юксак минбарда туриб, халқ ва ҳукумат ўртасидаги ахборот

кўпригини қандай тасаввур қиласиз? Сизнингча, журналист бу кўприкда қандай вазифани адо этиши керак?

– Мен “журналист – кўприк” деган иборани жуда кенг ва чуқур маънода тушунаман. Фикримча, бу шунчаки образли ифода эмас, балки жамиятдаги энг долзарб вазифалардан биридир. Журналистнинг биринчи ва энг муҳим вазифаси – ҳақиқатни ёзиш. Фақатгина ёзиш эмас, уни тўлақонли ҳис этиб, қалбида туйиб, жамиятнинг, халқнинг, ҳар бир инсоннинг манфаатлари нуктаи назаридан талқин эта билиш. Журналист ёзаётган ҳар бир сўз, ҳар бир фикр шу юзга яшаб турган халқнинг тақдирини, эртанги келажagini, фарзандларининг бахт-саодати билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Сенаторлик фаолияти ҳам айнан шу руҳда кечади. Чунки Сенат – бу халқ манфаатларини кўзлаб, қонунлар қабул қиладиган, ҳаётий масалаларни ҳуқуқий шаклга соладиган парламент юқори палатасидир. Сенатор эса ўз халқининг юрагига қандай дардлар бор, қайси муаммолар уни оғритаётганини англаб, шу асосда қарор чиқарадиган шахс.

Шу маънода айтиш мумкинки, сенаторлар, депутатлар ва журналистлар мазкур кўприкда давлат ва жамият ривожига хизмат қилишга қатъий бел боғлаган хизматчилар бўлади. Бу кўприк икки соҳилни – халқ ва давлатни бири-бирига боғлайди. Давлат қандай қарорлар қабул қилмоқда, халқ уларни қандай қабул қилмоқда? Қонунлар амалда қандай ижро этиляпти, одамлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қай даражада англаб етаяпти? Бу каби юзлаб саволларга жавоб топиш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва тўғри талқинда жамоатчилик етказиш журналистнинг юксак бурчи ҳисобланади. Бошқача айтганда, журналист сўзи – масъулиятли сўз. У инсон қалбига ҳам таъсир қилади, давлат сиёсатини ҳам шакллантиради. Мана шу жиҳатдан қараганда, журналист ҳам, сенатор ҳам, халқ ва ҳукумат ўртасида ҳолис ва самарали мулоқотни таъминловчи вакиллардир.

– Баъзан журналистикага “ахборот тарқатиш воситаси” деб қаралади. Лекин журналистика фақат маълумот етказиш эмас, балки маънавият ва маърифатнинг янги уфқларини очиш, жамиятда фикрлаш маданиятини шакллантириш вазифаси сифатида ҳам намоён бўлиши керак эмасми?!

– Ҳозирги интернет муҳитида бир қарашда ахборот оқими жуда бой, барча маълумотлар “ҳозир ва шу ерда” тамойилга тез тарқалмоқда. Бироқ бу маълумотларнинг аксари яти тўлиқ пишмаган, таҳлилсиз, муаллифлик мавқеи ва масъулияти йўқ, манбага суянмаган материаллар бўлиб, ҳақиқий журналистика талабларига жавоб бермайди. Ана шундай материалларни мен “ғўжала ахборот”, “ғўжала нашрлар” деб атайман. Бу ибора биздаги узум теримида ишлатиладиган сўздан олинган. Яхши биласизки, терим пайтида сара узум йиғиб олиниб, бозорга чиқади ва харидор дастурхонига етказилади. Аммо узум бошларининг айримлари йиғиш жараёнида эзилиб



кетди, сара узумларга ёпишиб, уқаланади, яъни, энди у истеъмол учун яроқсиз ҳолга келади. Ана шу ҳолатдаги эзилган, сиқилган ва пояси билан араллашиб кетган узумни “ғўжала” деб аташди. Айнан интернет муҳитидаги кўплаб хабар ва мақолалар ҳам ана шу “ғўжала” ҳолатига келиб қолган: гўё кўп, шовқинли, қизикарли, аммо мазмунсиз, таҳлили йўқ ва аҳамиятсиз. Улар ҳақиқатдан кўра ғийбатни, таҳлилдан кўра таассуротни, ватанпарварликдан кўра популизмни ёйишга хизмат қилади.

Улар жамиятда фикр туманларини яратди, фақат “эффект” берса бас, деган асосда фаолият юритади. Шу боис, уларни тоза манба деб қабул қилиб бўлмайди. Миллий журналистика вакиллари эса ана шу жараёнда ўз юзи, ўз обрўсини сақлаб қолиши учун янада қатъий, билимли, масъулиятли ва халқчил бўлиши керак. Тўғри, аксар ҳолларда журналистика фақат ахборот тарқатиш воситаси сифатида баҳоланади. Лекин бу ёндашув жуда тор, жуда содда. Агар журналистиканинг зиммасига 10 та вазифа юкланган бўлса, ахборот тарқатиш – шундан бор-йўғи биттасигина. Яна 9 та вазифаси бор ва уларнинг ҳар бири ҳам ўта муҳим. Улар орасида маърифат, маънавият, сиёсий онг, иқтисодий билим бериш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, тарбиявий таъсир кўрсатиш, фуқаролик жамиятининг ривожига хизмат қилиш ва ҳоказолар.

Демак, журналист – бу шунчаки хабар ташувчи эмас. У – одамларга жамиятнинг моҳиятини аңлатувчи, унинг тараққиёт сари қадам қўйишга ёрдам берувчи шахс. У қаламга олаётган ҳар бир мавзусида нафақат воқеликни тасвирлаб бериши, балки уни таҳлил қилиши, сабаб ва оқибатларини кўрсатиши, ечим йўллари оғиб беришга ҳаракат қилиши шарт. Агар жамият тараққиётида сунъий тўсиқлар, инкор қилиб бўлмайдиган муаммолар учраса, уларни ҳам атрофлича таҳлил қилиб, очик-ошкора айти олиши керак. Бу – журналистнинг фақат ҳуқуқи эмас, балки бурчи ҳам. Бугун ана шундай масъулиятни англаб, қалами, қарашини ва қалби билан чин маънодаги жамият кўзгуси бўлиб турган устозларимиз, халқимиз ўткир тенгдошларимиз ва ёш, лекин йўлда қатъий ижодкор йигит-қизларимиз борлиги – ҳам юртимиз, ҳам соҳамиз учун шукр қилишга арзийдиган ҳолат.

– Адабиёт ва журналистика – бу ижоднинг қўш қаноти. Сиз шеъриятда ҳам, насрда ҳам барқалиб ижод қилмоқдасиз. Шу маънода адабиёт сизнинг журналист сифатида шаклланишингизга қандай таъсир қилган?

– Мен “катта ижодий мерос эгасиман” деб даъво қилмайман. Ҳақиқатан, адабиёт билан журналистикани бири-бирдан узоқ турдаги, қарама-қарши кутблар, деб ҳам билмайман. Агар катта ижодкорларимизни кузатсак, бу фикр ўз исботини топади. Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповни олайлик. У киши нафақат гўзал шеърлар, балки ўзига хос, мазмунан теран, шаклан ихчам ва ғоят таъсирчан публицистик мақолалар ҳам ёзган. Унинг ҳар бир сатридан қалб тугёни, сўзга бўлган эҳтироми ва масъулияти уфуриб турарди. Бир саҳифалик мақоласини ўқиганингизда, бу инсон нафақат улуғ шоир, балки маҳоратли журналист эканини ҳам дарҳол аңғалайсиз. Унинг ҳар бир иборасида фалсафа, бадиий образ ва қалб шуури мужассам бўларди.

Ақсинча, адабиётни чуқур ҳис қилмаган ёки уни камситган қалам эгалари ёзган мақолаларда руҳ йўқ, таъсир кам бўлади. Буни ўқувчи дарҳол ҳис этади. Шу маънода мен адабиёт билан журналистикани жуда яқин, қалб ва қаламнинг бирлашган нуктаси деб биламан. Улар ўзаро бир-бирига нафас бахш этувчи соҳа ва суҳбатдошлардек. Адабиёт – инсон руҳиятининг ифодаси бўлса, журналистика – жамиятнинг ойнаси. Ҳар иккисида ҳам қалб тафти, сўз ва ҳақиқатга садоқат бўлмаса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Қалб билан қалам ўртасидаги боғлиқлик – инсоннинг ички дунёси билан жамият олдидаги масъулияти ўртасидаги боғлиқликдир десак, муболага бўлмайди. Шу боғлиқлик бор жойда самимий ва таъсирли ижод бўлади. Шу боғлиқлик бор жойда сўз абадий жиловланади. Бу борада нималарга эришганимни айтиш, бошқаларга тан.

– Бугун янги авлод журналистлари сафга қўшилмоқда. Улар билимли, замонавий технологияларни яхши билишади, лекин баъзи жиҳатларда энди тажриба тўплашмоқда. Сизнингча, бугунги ёш журналистлардаги қайси фазилатлар яхши ва қайси камчиликларни оғриқли, деб биласиз?

– Бугунги ёшлар – бахтли авлод. Негаки улар ахборот майдонида кенг имкониятларга эга: бутун дунёдаги китобларга интернет орқали осон киришади, мустакил сайти орқали ўз медиасини бошқара олади, фикрини эркин баён этади. Журналистикада бу даражадаги эркинлик ва имкониятлар олдин йўқ эди. Ёшлигимда, масалан, бир газетанда мақолаимиз чиқишини оилаб интизор бўлиб кутардик. Ҳозир эса интернетда бир дақиқада бир қанча аудиторияга чиқиш мумкин. Бу, албатта, имконият. Аммо ҳар бир имкониятдан фойдаланишда масъулият ҳам бор. Шу сабабли, сифати назорат қилинмайдиган, масъулиятсиз “нашрлар” сони ҳам ошиб бораётгани ташвишли ҳолат. Интернетда кўпайган сайтлар, блоглар, каналлар баъзан ахборот маданияти меъёрларини четлаб ўтмоқда. Ҳақиқатини ўрганиш, манбаа текшириш, таҳлил қилиш эмас, балки “аввал чиқариб олиш”, “биринчи бўлиб ёзиш” тамойили устувор бўлиб қолмоқда. Бу эса матбуотнинг аънавий нуфузига путур етказмоқда.

Агар мен ҳозир 20 ёшда бўлганимда, аввало, тил ва адабиётни пухта ўрганар эдим. Журналист учун тил – қурол, адабиёт – қалб. Ҳар иккиси юксак савияда бўлмаса, сўз таъсирини йўқотади. Ҳозирги кунда кўп ёшлар чет тилларини мукамал ўрганишяпти – бу қувонарли. Лекин айримлар шунчаки русча, инглизча ўқигани “илмий” ёки “замонавий” деб ўйлаб, она тилида изчил фикрлай олмаслик муаммоси билан юзлашмоқда. Баъзан ёзганларида гаплар ўзаро боғланмаган, мазмунини изчилликдан холи, ҳиссизлик билан ёзилгани сезилиб туради. Халқ шо-

ири Абдулла Ориповнинг “Темир одам” шеърида: *Устоз, қалби йўқдир, унинг ҳам хайҳот, На нафрат, на ишқни танлайди у ҳам.* Унинг ҳам кўзида чакнамас ҳаёт, Мунис боқишларни аңламас у ҳам...

– деган сатрлар бор. Бугунги кунда айрим ёшларимиз ҳам ана шу “темир одам” каби – ақл бор, техника бор, лекин қалб етишмайди. Янада ачинарлиси, қалбида туйғу, маънавий дунёси бўш одамлар журналистиканинг қаламини ушламоқда. Шунинг учун ҳозирги ёшлар фақат билим билан эмас, амалиёт, теран фикр ва таҳлил, жозибатор услубни ҳозирдан шакллантириб бориши, ўзининг ким эканини, қай миллат ва қандай қадрият эгаси эканини аңглаб етиши лозим. Ана шунда у ёзган сўзида халқнинг руҳи, миллатнинг юраги акс этади. Президентимиз тақдорпайта-нидек, биз Учинчи Ренессанс сари дадил одимламоқдамиз. Бу даврда маънавиятли, билимли ва қалб соҳиблари жамиятнинг ҳақиқий кучи бўлади.

– Ахборот оқими шиддатли, манбалар хилма-хил. Аммо ҳақиқат ягона. Журналист учун эса ҳар бир сўз, ҳар бир маълумот ортида жавобгарлик бор. Бундай вазиятда ҳолислик ва салоҳият, тезкорлик ва тафаккур ўртасида мувозанатни қандай сақлаш мумкин?

– Бу мувозанат, авваламбор, журналистнинг юрагидан бошланади. У ҳар бир воқеликка ақл ва қалб билан қарай олса, ҳар бир сўзининг бағрида масъулиятни ҳис эта олса, йўлдан адашмайди. Журналист бугунги воқеаларга шунчаки томошабин эмас, балки уни ҳаракатлантирувчи куч, фикрлар оқимида элни эзгу йўлга бошловчи кўзгу бўлиши керак. У ўз замонасининг ичида эмас, олдида бўлиши, унга ён бериш эмас, йўл кўрсатиш вазифасини ҳис қилиши зарур. Бундай салоҳият эса билим, ҳиссиёт билан, қолаверса, ўз Ватани, халқи, унинг эртасига бўлган муҳаббат билан шаклланади. Шу боис, ҳар қандай кучли журналист, аввало, қалбида халқ оғрини сезади, ўзининг қишлоғи, маҳалласи, юрти учун қайғуриб яшайди. Ана ўшандай муҳаббат бор жойда ҳақиқий журналист ва ҳақиқий мақола пайдо бўлади.

Албатта, тан олиш керак: биз ҳали ҳам баъзи жиҳатларда сийқаси чиққан стереотиплар, юзаки муносабатлар, сунъий тантаналардан тўлиқ воз кеча олганимиз йўқ. Аммо ҳаракат бор, қўзағилиш бор. Энг муҳими, бугун имконият бор. Мамлакатимиздаги ахборот сиёсатида очиклик ва эркинликка ўрин берилмоқда. Масалан, мен хизмат қилаётган ЎЗА агентлигида ҳам, сўнгги йилларда яратилган шарт-шароитлар – моддий рағбатлантиришдан тортиб, таҳририй мустакилликкача – ҳаммаси журналист салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Байрам билан барча қадрли ҳамкасбларимиз, азиз устозларимиз ва билимга чанқоқ ёшларимизни чин қалбдан муборакбод этаман! Лекин унутмайлик: ҳаёт ҳар доим ҳам байрамлардан иборат эмас. Олдимизда қийин, синовли кунлар келиши мумкин. Нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё манзарасини кузатиб, шунга тайёр туришимиз, ҳушёр бўлишимиз, халққа ҳақиқатни айтишимиз керак. Чунки ҳаётнинг барча давларида ҳам фақатгина сўз – энг катта қурол ва энг олий масъулият бўлиб қолади.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ
суҳбатлашди

ЖУРНАЛИМИЗ ҲАР БИР ХОНАДОНГА КИРИБ БОРСА...

Касб байрамимиз арафасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Саодат” журнаlining Бош муҳаррири Мунаввара Усмонова билан юртимиз хотин-қизларининг сеvimли журнали ҳамда бугунги ўзбек матбуотининг ўзига хосликлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Илк сони чоп этилганига қарийб бир аср бўлаётган “Саодат” журнаlining таржimai ҳолида не-не машаққатлар, ибратлар, не-не анъаналар бор. Сабр бор, шукроналик бор. Чунки унинг ҳаёт йули ўзбек аёли босиб ўтиб келаётган йўлнинг бир қисmidир. Дастлабки йилларда “Янги йўл”, “Ёрқин турмуш”, “Ёрқин ҳаёт”, кейинчалик “Ўзбекистон хотин-қизлари” номлари билан мухлислар қўлига етиб борган журналимизнинг ўтмишдошлари саҳифаларига Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллахонова, Иқболхон Акбархўжаева, Фотима Ниёзова, Саодат Шамсиева, Ойдин Собирова каби халқимизнинг зиёли аёлларининг қалб кўрлари, кўз нурлари тўкилди. Уларнинг аксарияти юртимизнинг илгор, истеъдодли кишилари қатори қатагонга учрадилар. Биз бугун опа-сингилларимизнинг қалб кўзларини очиш ниятида мақолалар, шеърлар ёзган, иқтидорли аёлларни жамият maidонига олиб чиқишга, ҳақ-ҳуқуқини танишга даъват қилган, сўзни эзгулик яловига айлантира олган бу заҳматкаш журналистларни, уларга қийин даврда қўшқанот бўлган зиёлилар аҳлини ҳурмат билан хотирлаймиз.

Журнал вазият тақозоси билан баъзи йилларда тўхтаб қолган, лекин даврнинг тўфонлари тиниб, урушлари тугагач, яна нашр қилина бошланган. Демак, шундай нашр халқимизнинг маънавий ҳаёти учун ўткинчи ҳодиса эмас, зарурият экан-да! Адиба Ойдин Собирова устозлик меҳри, ишончи билан топширган журнални ардоқли шоирамиз Зулфияхоним бугунги “Саодат” номи билан аёлларнинг сирдоши, маслаҳатгўйи, дўсти мақомига олиб чиқди. Фақат зиёлилар эмас, юртимизнинг чекка-чекка жойларида истиқомат қиладиган уй бекалари, онахонлар, чеварлик, пазандаликка ишқибозлар ҳам журналнинг ҳар бир сонини орзиқиб кутишарди. “Саодат” дарёсидан сув ичган ўнлаб ижодкорлар Зулфияхоним мактабида тобландилар, элга танилдилар. “Саодат” устоз шоира раҳбарлик қилган йилларида бир неча авлод ижодкорларини ўз бағрида камолга етказди ва бу анъана ҳозиргача сақланиб келади.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева даврида жамоа ҳаётга кўпроқ таҳлилий кўз билан қаради. Ҳаёт мураккабликларида юзага чиқиб келаётган иллатлар илдизини очиб, ўз ўқувчиларини уйғоқликка, фикрлашга қорлади. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева бош муҳаррирлик қилган йилларда журнал меҳнат аҳлининг ҳаётига кирди, уларга елкадош бўлди. Эл кезди, қувончларидан қувонди, ташвишларига баланддан қараб эмас, кунгилдош бўлиб шериклик қилди. Кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари Маҳмуда Саъдуллаева раҳбарлик вазифасини адо этганида ҳам, журналист Феруза Жалилова бошқарган йилларда ҳам “Саодат”нинг фахр билан айтадиган бир ютуғи

бор: журнал истеъдодли ёшларни камолга етказадиган, уларга “Оқ йўл” тилайдиган устозлик вазифасидан чекинмади.

Бугун унинг вазифаси яна ҳам залворлироқ. Ўзбек аёли дунёга бўйлапти. Ҳатто болалик остонасидан ўтмаган қизларимиз интернет орқали жаҳонни кузатади. Турфа тарафдан ахборотлар оқиб келиб турган замонда “Саодат” ўз ўқувчиларини қандай сақлаб тура олади? Қанчалик юқори тараққиётга эришмасин, миллатни миллат сифатида ушлаб турадиган устунлари бўлади. Инсонлар янгиликларга интилар экан, замон maidонларида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилар экан, ўша устунларга таянади, ўша устунлардан куч олади. Бизнинг опа-сингилларимизда ҳам аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар бор. Ўша жозибали қадриятларни асраш, келгусида ҳам яшаш тарзи юксалган аёлларимизнинг қалбдан ўзбек бўлиб қолиши учун ҳаракат қилиш, шу мақсадда ёзиш, қалам аҳлини шу мақсадга йўналтириш бугунимизнинг асосий вазифасидир. Замон билан бирга қадам ташлаш барибарида, рухий, жисмоний камолотга эришиш учун ўша ўқ илдишларимиздан узоқлашмаслик, ҳаммиса қадим ўзанлардан баҳра олиб илгарилаш опа-сингилларимизнинг яшаш шарти бўлганидек, “Саодат”га ҳам илҳом бергувчи манбалардир. Шу кунларда тахририятимизга узоқ-яқинлардан, ўз юртимиздан ташқари, қардош республиклар, хатто Канада, Бирлашган Араб Амирликлари, Корея, Америка каби мамлакатлардан кўплов хатлари келяпти. Биз “Саодат”имизни билган, уни ўқиган, фикр билдириб, самимиий табрик йўллаётган барча мухлисларимизга ташаккур айтамиз. Момоларимиздан мерос, оналаримизнинг кўз излари, сўз излари қолган бу иссиқ юзли, гул ифорили “Саодат”ни ҳаётнинг огир-енгил йўлларида омон асраб олиб ўтиш бизларга насиб этганидан шукронамиз бор.

Фаолиятимнинг илк кунларидан “Саодат” журнаli архивидagi ҳар бир сон қайси жиҳатлари билан мухлислар эътирофига сазовор бўлганлигини аниқлашга ҳаракат қилдим. Тўғри, бугун замон зайли ва шиддати бошқа, лекин устозларнинг ижодий ёндашуви, мавзуларга бўлган эътибори мен учун қизиқ эди. Одатда ҳар бир раҳбар ишга келиши билан жамоани янгилашга ҳаракат қиладди. Мен эса устозлар билан ишлаб, кўҳна илдишларимиздан куч олган журналистларимиз тажрибасини янги давр талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда фаолият олиб боришга аҳд қилдим. Жамоамизга ёшларни ҳам жалб этган ҳолда ҳозирги кунда кўпроқ ижтимоий тармоқларга боғланиб қолган мухлисларимизни нигоҳини ҳам меҳрини жалб этиш йўллариини излаяпмиз. Журналдаги “Ҳазрати инсон ҳазрати аёлдан”, “Жаннатим онам”, “Олисдаги яқинларимиз”, “Қизлар дафтаридан” каби



янги рукнларимиз тез фурсатларда мухлислар меҳри ва эътирофига сазовор бўлганидан жуда хурсандман. Айниқса, хорижда яшаб, ишлаб, шунинг билан бирга илмий изланишлар олиб бораётган опа-сингилларимиз билан бўлган суҳбатларимиз ҳам ижодий жамоамизга, журналхонларга ўзига хос янги ва гаройиб дунеларни кашф этишда ёрдам бермоқда.

Журналимизнинг ички муковасида эса таниқли олимларимиз, шоир ва ёзувчиларимизнинг оилалари билан тушган суратларини ва уларнинг ҳаёти ва фаолиятларини ёритиб бораёламиз. Бу ёндашувимиз ҳам журналга ўзгача файз бағишлаганлигини эътироф этишмоқда. Масалан, “Саодат”нинг навбатдаги сонидa чоп этилган Занги ота ва Анбар она ҳақидаги қизиқарли мақола кўп ёшларимизга ибрат бўлади деган умиддамиз. “Ижод завқи” саҳифасида эса истеъдодли ёшларнинг бугунги кундаги изланишларидан бохабар қилиб борамиз.

Бугунги кун аёли замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиши керак. Ўтган кунини унутмаган, эртанги кунга умид қилган ҳолда бугунига шукр қилиб яшаши керак. Ҳозирги замон тез-

кор. Бир қадам ортда қолган инсон кейин ўзини ўнғолмай қолади, анғолмайди ҳам.

Ҳеч қачон якка дарахт бог бўлмайди. “Саодат” журнаli ижодий жамоасига келганимга ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, барҳаёт устозларнинг чексиз муҳаббатидан сув ичиб, томир ёзган бу ижодий муҳитнинг ҳар бир куни менга жуда катта масъулият бағишлайди. Ҳар бир сатр ва сўз устидa заҳмат чеккан пайтларим Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним мени зийрак нигоҳлари билан кузатиб турганлигини ҳис қиламан.

Бугунги кун матбуотига келсак, эътироф этиш лозим, аксарият таҳрироф этишмоқда. Масалан, “Саодат”нинг навбатдаги сонидa чоп этилган Занги ота ва Анбар она ҳақидаги қизиқарли мақола кўп ёшларимизга ибрат бўлади деган умиддамиз. “Ижод завқи” саҳифасида эса истеъдодли ёшларнинг бугунги кундаги изланишларидан бохабар қилиб борамиз.

Шу каби режаларни амалга ошириш учун расмий веб сайтимиз ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз, ҳамкорларимиз орқали тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтираёламиз.

Ишонаманки, келгусида газета ва журналларимизнинг адади ошадди. Бугунги кунимиз жуда масъулиятли. Биз ўқувчиларимизни мавзуларимиз билан қизиқтира олишимиз ва ўз ижодий кучимизни намоён эта билишимиз даркор. Ватанпарварлигимизни, халқпарварлигимиз ва иқтидоримизни намоён эта олсак, кўзлаган марраларимизга, албатта, етамиз!

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистондаги барча заҳматкаш ва фидойи журналистларни, айниқса, аёл ижодкорларни касб байрамлари билан “Саодат”чилар номидан табриклаймиз!

Музаффар МУҲАММАДНАЗАР
ёзиб олди

26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

Келажак кушандаси

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1987 йилда бу куннинг таъсис этилишидан кўзланган асосий мақсад — гиёҳванд моддалардан холи бўлган халқаро жамиятни яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат эди. Тажриба шуни кўрсатадики, гиёҳвандликнинг аччиқ оқибатлари билан курашишдан кўра, унинг олдини олиш анча самаралидир.

Муродилла МАҲМУДОВ, журналист

Ўзбекистон ўзининг геостратегик харитасига кўра наркотик моддаларнинг ноқонуний транзити йўлида жойлашган. Шу сабабли мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашиш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу борада “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонун, шунингдек, Жиноят кодексининг тегишли моддаларини ўз ичига олган мустаҳкам ҳуқуқий

база яратилган. Президент Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази томонидан Давлат божхона кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати каби идоралар билан ҳамкорликда наркотрафикка қарши тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу иллат, биринчи навбатда, келажагимиз эгалари бўлган ёшларни ўз домига тортади. Гиёҳвандликка бир марталик қизиқиш бир умрлик фожиага олиб келиши мумкинлигини ёшларга тушунтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. “Адолат” социал-демократик партияси ушбу жараённинг фаол иштирокчиси сифатида маҳалла, таълим муассасалари ва нодавлат-нотижорат таши-

лотлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Партиямиз ташаббуси билан тегишли вазирлик ва агентликлар иштирокида ўқувчи ва талабалар ўртасида “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!”, “Гиёҳвандлик — келажак кушандаси” каби шiorлар остида мунтазам равишда учрашувлар, спорт мусобақалари ва маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Замонавий таҳдидлар курашининг янги усуллари тақозо этмоқда. Янги турдаги синтетик наркотикларнинг интернет орқали тарқатилишига қарши қонунчилигимиз ҳам мутаносиб равишда такомиллаштирилмоқда. Яқинда Жиноят кодексига киритилган ўзгартiriшларга кўра, наркотик моддаларни телекоммуникация тармоқлари орқали сотиш ҳаракати алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида таснифланиб, жазо чораларининг кучайтирилганини партиямиз тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Гиёҳвандликка қарши кураш фақатгина ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас. Бу — бутун жамият, ҳар бир оила, маҳалла ва таълим муассасасининг умумий ишидир. Фарзандларимизнинг буш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спортга, илм-фанга, санъатга жалб қилиш орқали биз улар атрофида бу иллатга қарши мустаҳкам “иммунитет” ҳосил қила оламиз. Зеро, соғлом ва баркамол авлод — буюк келажакнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Ҳуқуқий саводхонлик

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда банк ва молия тизимидаги рақамли трансформация, микрофинанс хизматлари ва истеъмол кредитлари ортиб бориши билан аҳоли орасида кредитга мурожаат қилиш ҳолатлари кескин кўпайди.

БУЛАРНИ БИЛМАЙ ТУРИБ, КРЕДИТ ОЛИШГА ШОШИЛМАНГ!

Саида МАХМУДОВА,
Фарғона туманлараро иқтисодий суди судьяси

Автомобиль сотиб олиш, уй таъмири, тўй ва маросимлар, таълим тўлови ёки бизнесни йўлга қўйиш — бундай эҳтиёжларнинг деярли барчасига молиявий ёрдамни тез ва қулай ечим сифатида кредит орқали ҳал қилиш тенденцияси кучаймоқда. Бироқ бу жараёнда эътиборсизлик қилинаётган бир жиҳат бор: кўп ҳолларда қарз олувчилар кредит шартномаси мазмунини етарлича ўрганмасдан, ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етмасдан туриб шартномага имзо қўйяпти.

Натижада кейинчалик фоиз ставкалари, кечиктирилган тўловлар учун жарималар, гаровга олинган мулкдан айрилиш ҳолатлари ёки ҳатто суд ишларигача бориб етаётган низолар юзага келмоқда. Масала шундаки, кредит бу фақат вақтинчалик молиявий енгиллик эмас, балки ҳуқуқий жавобгарлиқни ўз ичига олган жиддий мажбуриятдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаро кредит шартномаси имзолашдан аввал унинг ҳуқуқий моҳияти, асосий шартлари ва эҳтимолий оқибатларини тўлиқ англаб олиши зарур. Қуйида биз айнан шу масала — кредит шартномасининг ҳуқуқий табиати ва унинг амалиётдаги ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Кредит шартномасининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 739-моддасида белгилаб берилган. Унга мувофиқ, кредит шартномаси — банк ёки бошқа молиявий ташкилот қарз олувчига белгиланган шартларда пул маблағларини фоизли асосда маълум муддатга тақдим этишини назарда тутати. Қарз олувчи эса, ўз навбатида, ушбу маблағларни белгиланган муддатда, белгиланган шартларга мувофиқ қайтариш мажбуриятини олади. Кредит шартномалари турли молиявий институтлар — банклар, микрофинанс ташкилотлари, кредит уюмалари ва бошқалар томонидан тузилиши мумкин. Бу муносабатларда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Микрофинанс фаолияти тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрлар ва тартиблар асос бўлиб хизмат қиладди.

Кредит шартномаси бир томонлама (банк маблағ ажратиш мажбурияти, қарз олувчи эса уларни қайтариш масъулиятини ўз зиммасига олиши), фоизли асосда тузилиши (кредит шартномалари, одатда, фоизли бўлиб, банк белгиланган даромадни олишни кўзлайди. Баъзи ҳолатларда, имтиёзли (фоизсиз) кредитлар ҳам мавжуд), пул маблағлари объекти (шартнома предмет)и фақат пул маблағлари бўлиб, товар ёки хизмат кўрсатиш унга қирмайди), фақат лицензияга эга ташкилотлар томонидан амалга оширилиши (кредит фаолияти билан фақат тегишли лицензияга эга банк ва молиявий ташкилотлар шуғулланиши мумкин) каби иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга эга. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодий фаолиятнинг турли жабҳаларида кредит шартномалари муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, бизнес соҳасида, айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектлари айланма маблағларни тўлдириш, янги технологиялар сотиб олиш ёки хизмат турларини кенгайтириш мақсадида кредитлардан кенг фойдаланадилар. Истеъмола эҳтиёжларини қондиришда жисмоний шахслар турмуш шароити ва сифатини яхшилаш мақсадида уй-жой, автомобиль, маиший техника, таълим учун истеъмола кредитларини оладилар. Ипотека ва инвестиция лойиҳаларида узоқ муддатли ва катта ҳажмли кредитлар орқали саноат, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширадилар. Албатта, тан олиш керакки, амалда кредит шартномалари билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам учраб туради.


Жумладан, шартнома мазмунининг турлича талқин қилиниши, қарз олувчиларнинг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги, фоиз ставкалари юзасидан ноаниқлик ва мижоз учун тушунарсиз ҳолатлар, таъминот (гаров) масалаларида ҳуқуқий баҳслар вужудга келиши шулар жумласидандир. Бундай муаммолар қарзни ўз вақтида қайтармаслик, кредит муносабатларида ишонсизлик ва судлашувлар сонининг ортishiга сабаб бўлади. Агар шунинг ортидан қарзни қайтармаслик ҳолати кузатилса, мол-мулк мусодара қилиниши, ҳатто яшаш уйингиз гаровда бўлса, ундан маҳрум бўлиш хавфи, сўнгги муддатларда жорий этилган маъмурий суд амалиёти орқали сизга нисбатан суд қарори чиқарилиши, кредит тарихи бузилиши — кейинчалик бошқа банклардан қарз олиш имкони чекланиши ва рад этилиши мумкин.

Уларнинг олдини олишда эса қуйидаги тавсияларга амал қилган яхши:

- *Кредит шартномасини тузишда адвокат ёки малакали ҳуқуқшуносдан маслаҳат олинг.*
- *Қарзни қай тартибда, қай муддатда ва қандай оқибатлар билан қайтариш кераклиги ҳақида олдиндан ҳисоб-китоб қилинг.*
- *Агар шартнома банди сизга тушунарсиз бўлса, унга имзо қўйманг! Молиявий фойда ортидан ҳуқуқий муаммага тушиб қолманг.*
- *Энг муҳими — асоссиз, шошма-шошарлик билан кредит олманг. Молиявий ўлчов ва ҳуқуқий таҳлил — замонавий фуқаронинг оддий одатларидан бирига айланиши керак.*

Умуман, кредит шартномаси замонавий иқтисодий муносабатлар тизимининг ажралмас бўғини бўлиб, жамиятнинг барча қатламлари учун муҳим ҳуқуқий механизм вазифасини ўтайди. Ушбу соҳани янада такомиллаштириш учун кредит шартномаларининг ҳуқуқий мазмунини янада шаффофлаштириш, шаблон шартномалар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, қарз олувчилар ўртасида молиявий ва ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш бўйича мақсадли тарғибот ишларини олиб бориш муҳим. Шунингдек, кредит низоларини ҳал қилишда суд амалиёти янада мослашувчан ва адолатли асосда шакллантириш, молиявий ташкилотлар фаолияти устидан самарали мониторинг ва таҳлилни кучайтириш, айниқса, кредит шартларининг адолатлилигига эътибор қаратиш фойдадан холи бўлмайди.

Ҳўш, энди айтингчи, кредит имкониятми ёки хавф? Бу саволга жавоб шахсан ҳар бир фуқароннинг ҳуқуқий билимдонлиги, масъулиятли ёндашуви ва онгли қарорлари билан боғлиқ. Айнан ҳуқуқий ёндашув кредитни оғриқли мажбурият эмас, балки ўзига хос тараққиёт воситасига айлантиради.



Газетамизнинг 2025 йил 13-июнь (№23) сонида “Адолат” социал-демократик партиясининг биринчи котиби, таниқли журналист, давлат ва жамоат арбоби, мохир таржимон Анвар Жўрабоевнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида унинг рафиқаси Умида Турсунова билан

“ЭЛ АРДОҚЛАГАН ИЖОДКОРЛАР” рукнида
“ИНТЕРВЬЮ ҚИРОЛИ”

САРЛАВҲАЛИ СУҲБАТ ЭЪЛОН ҚИЛГАН ЭДИК. Шундан сўнг устоз-журналистнинг ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдлари таҳририятимизга у киши ҳақидаги фикрлари, хотиралари битилган дилномаларини йўллади-лар. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



ДУНЁ МАТБУОТИГА ЭШИК ОЧГАН АДИБ



Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Анвар Жўрабоев ўзбек миллий журналистикасини, матбуотини, газетачилигини бир поғона эмас, бир неча поғона юқорига кўтарган ижодкорлардан бири. Етук журналист, халқаро миқёсда танилган қалам соҳиби эди.

Анвар Жўрабоев дунёнинг энг машҳур ижодкорлари билан суҳбат қурган, Михаил Шолохов, Габриэл Гарсиа Маркес, Ўлжас Сулаймонлар билан учрашган. У кишининг уйларида бўлиб, китобхонасига кириб, китобларини қўриб хайратланганмиз: у ерда биз китобларини ўқиб, маънавий озуқа олган жаҳоннинг кўп ижодкорларининг тилаклари битилиб, имзоси қўйилган асарлари сақланаётган жуда бой кутубхона эди. У ерда китоблардан ташқари машҳур рассомларнинг энг зўр асарлари ҳам жой олган эди. Кутубхонадаги китоблар, рассомларнинг асарлари ҳақиқатан ҳам санъат даражасида дид билан тахланган эди.

Анвар Жўрабоев китобсевар, чин маънодаги ижодкор эди. У бизнинг собиқ “Ёш ленинчи” газетаси учун Чингиз Айтматов билан махсус суҳбат қилганди. Суҳбат газетамизда чоп этилгач, катта шов-шувларга сабаб бўлганди. Шундан кейин Чингиз эга менга миннатдорлик сифатида ўзининг романлар тўпламини жўнатган ва бу тўплам ҳозир ҳам уйимнинг тўрида сақланади.

Анвар Жўрабоевни ўзбек журналистикасини дунё миқёсига олиб чиққан, дунё матбуоти боғига дарча эмас, эшик очган ўзбек матбуотининг илғор вакили десак, муболаға бўлмайди. У кишининг номи йиллар ўтган сайин абадийликка дахлдор бўлиб бораверади, у яратган маҳорат мактаби тадқиқотчилар томонидан ўрганилади.

Анварнинг ижодий режалари жуда катта эди. Ҳали яна кўплаб бундан ҳам салмоқли мақолалар ёзиш ниятида эди. Аммо газета бош муҳаррирлиги лавозимининг масъулияти унинг ижодий ишларини чеклади. Лекин у халқаро журналистикада ўз ўрнига эга журналист, маҳоратли таржимон эди. Бундай журналист дунёга 100 йилда бир марта келади. Дарвоқе, бугунги кунда халқаро журналистика факультетларида мунтазам равишда минглаб мутахассислар етишиб чиқапти, улар чет тилларини билишади, аммо, афсуслар бўлсинки, ҳануз улар орасидан Анвар Жўрабоев даражасидаги халқаро журналист чиққани йўқ.

Негаки, уларда маҳорат йўқ, истеъдод йўқ. Бир-икки нафарини айтмасак, халқаро даражага етиша олмади. Бугунги кунда тележурналист Навбахор Имомова “Америка овози”нинг мухбири сифатида фаолият кўрсатаётгани, Аббор Фуломовнинг таҳлилий мақолалари халқаро нашрларда чоп этилаётгани эътиборимизни тортади ва улар билан фахрланамиз. Анвар Жўрабоев эса ҳам халқаро журналист, ҳам ёзувчи, ҳам таржимон сифатида жаҳон адабиёти ва публицистикасида ўз ўрнига эга ижодкор бўла олди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ўзбек халқининг маънавий чашмасини бойитишда, халқимизни дунёга танитишда қўлида қалами билан муносиб ҳисса қўшган, истеъдод эгаси, ўз касбининг ҳақиқий маҳоратли мутахассиси, қисқа, аммо ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган Анвар Жўрабоевнинг уй-музейини яратиш, шу соҳага қадам қўйган ҳар бир журналистни унинг маҳорат мактабида камолотга етказиш лозим. Токи ёш ижодкорлар бу ижодкорнинг ҳар бир мақолани яратиш жараёни, жаҳондаги энг таниқли ижодкорлар билан суҳбатлашиш асосидаги қийинчиликлар, машаққатларни ўқисин, билсин, англсин, у каби бўлишга интилсин. Ана шунда ўзбек журналистикаси янада ривожланиди.

Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, газетанда “Машҳурларнинг аёллари”, “Эл ардоқлаган ижодкорлар” рукни остида туркум мақолалар бериб борилиши ўзбек адабиёти ва журналистикасига муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган ижодкорлар ижодини ўқувчига етказиш ва улар номларининг абадийга дохиллигини таъминлашга хизмат қилаёпти. Бунинг учун “Adolat” газетаси жамоасига ўз миннатдорлигини билдираман ва ижодий баркамоллик тилайман. Ўйлайманки, ҳали кўплаб тажрибали, салоҳиятли ижодкорларнинг оиладаги, ижтимоий ҳаётдаги ибратли турмуш тарзи, ижодий ютуқлари газета саҳифаларида ёритиб борилади ва бу ёшларга, ёш ижодкорларга маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.



СУҲБАТИГА ДОИМ ОРЗУМАНД ЭДИК

Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Авалло, айтишим керакки, таҳририят бу савобли рукн билан муштариёлар учун жуда катта хизмат қиляпти. Таниқли адибларнинг рафиқалари билан суҳбат нафақат у ёки бу зиёли фаолиятининг муҳим қирраларини билишда, балки эр-хотиннинг жамият олдидаги бурчини англашда ҳам кўпчиликка ёрдам берапти. Умида Турсунова билан суҳбат жуда самимий чиққан. Чунки устозим Анвар Жўрабоевнинг рафиқаси, фидойи олима ҳаётининг ўзи ҳам кўпчиликка ибрат. Зеро, бу оиланинг бахти ҳам, эр-хотиннинг ўз касбига фидойилигида ва бир-бирини чин юракдан тушунганлигида, қўллаб-қувватлаганидадир.

Умида Турсунова Анвар ака билан бирга ўқиган. Иккаласи ҳам рус тили бўйича иқтидорли мутахассис. Фақат Анвар ака журналистикани танлади, янага эса педагогикани. Турмуш ўртининг иходдаги иштиёқидан руҳланиб, ўзи ҳам илмий тадқиқотга қўл урди ва номзодлик диссертациясини ёқлади. Янгамнинг синглиси қариндошимга тушганлиги учун бу оиланинг ибратига, саранжом-саришталигига, маърифатига доимо ҳавас қилганмиз. Зеро, бу ҳавас бугун ҳам сусайган эмас.

Анвар Жўрабоев журналистикада менинг биринчи устозим. 1973 йилда, талаба пайтида у киши “Зарафшон” газетасида ахборот ва спорт бўлими мудири эди. Бир-икки бор учрашганимда хабарларимни ўқиб, йўл-йўриқ кўрсатди ва қисқа муддатда мени газетанинг жамоатчи мухбирига айлантирди. Дарсдан кейин кечгача вақтимни устознинг ёнида ўтказардим. Анвар ака бир сўзли, бироз ўжарроқ, лекин ҳамиша ҳар бир ишни маслаҳат билан амалга оширадиган инсон эди. Оқибатли эди. Самарқанддан кетиб, Жиззах ва Тошкентда фаолият кўрсатганида ҳам мени сураб турар, топшириқлар берадди. Ҳатто, “Марказий Осиё маданияти” газетасига муҳаррирлик чоғида каминани махсус мухбир сифатида расмийлаштирган. “Халқ сўзи” газетаси бош муҳаррири пайтида эса (камина ўшанда “Ўзбекистон овози” газетаси мухбири эдим) менга “отклик-мақолалар” ёзишни топширади.

Устоз ҳар қандай давранинг кайфиятига қараб гапира олар, унинг суҳбатига тўймасдик. Айниқса, қиш бўлганлиги учун Олий Мажлис депутатлигига номзод пайтида ёзувчилар билан учрашувдан сўнг даврамиз, касбимиз, одамгарчилик ҳақида узоқ суҳбатлашардик. Лекин устознинг бирор кишини ёмонлаб гапирганини эшитмаганман. Аксинча, ҳар бир инсоннинг яхши фазилатларини гапирарди.

Анвар Жўрабоев умуртқад у журналистика мактабидан олган сабогини ҳеч қачон санаматди ва ўзи ҳам катта мактаб ярата олди. Газетамизда босилган ҳар битта мақоласи муҳокамага сабаб бўларди. Хусусан, 1980 йилда Москва олимпиадасига ўзининг ҳисобидан бориб, у ердан таниқли спортчилар, чемпионлар билан суҳбатлар уюштириб, таҳририятга телефон орқали етказганларида бош муҳаррир Аҳмадjon Мухторов ҳам қойил қолганди. Анвар ака мақтанишни ёмон кўрарди, аммо гурури ҳам баланд эди. У киши шогирдларини ўзи таъкидлаганидек, “делай как я” (мендек ишласанг бас) тарзида тарбияларди. Шунинг учун ҳам у кишининг “Йигирманчи асрим менинг” китоби босмахонадан чиқиши биланок қўлма-қўл бўлиб кетди. Назаримда, бу китоб аҳамиятини Тошкентдаги айрим ҳамкасбларимиз охиригача тушуниб етмаган. Акс ҳолда бу асар жилдларга бўлинган ҳолда аллақачон ўзбек журналистикасининг маънавий мероси сифатида ҳеч бўлмаганда ҳамкасбларимизга етказилиши керак эди. Негаки, китобдаги ҳар битта мақола, суҳбат мукамал ёзилган. Бизга экспромт туюлсада, таниқли кишиларга бериладиган саволларнинг устоз томонидан жиддий тайёрланиб борганлигини биламан.

Бир сўз билан айтганда, “Adolat” газетаси ўзбек журналистикаси хазинасига катта мерос қолдирган Анвар Жўрабоев ижодининг муҳим қирралари, ҳаётининг ибратли томонлари ҳақида жуда самимий мақола берган. Умида Турсунованинг мухбир саволларига жавоблари ҳам зиёлига муносиб эътирофдир.

АСРНИ “ҚАРИТГАН” КИТОБ

Жалолиддин САФОЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси аъзоси

“Adolat” газетасининг “Эл ардоқлаган ижодкорлар” лойиҳаси муаллифи Саодат Матёқуб қизининг машҳур журналист Анвар Жўрабоевнинг рафиқаси, педагог Умида Турсунова билан мулоқоти миллий журналистикамизнинг бетакрор сиймоси ижоди ва ҳаётини тадқиқ этиш йўлида қўйилган биринчи қадам бўлди, дейишимиз мумкин.

Устозим, истеъдодли журналист ва ёзувчи Анвар Жўрабоев – XX асрнинг қайноқ воеқалари ичида яшади. Уни идрок этишга астойдил ҳаракат қилди. Аср эврилишларини ўша даврда яшаган буюк ёзувчи ва шоирлар, олим уллолар, сиёсат ва маданият арбобларининг ўй-фикрлари, ҳаётга қарашлари орқали ўқувчиларга тақдим этди. Керак бўлса, образли қилиб айтганда суҳбатдошлари “ичидан сугуриб олди”.

У совет тузумида яшаб, ижод қила туриб чинакам журналистика тарғибот машинаси эмаслигини бир қадар исбот этди. Унинг суҳбатдошлари “фикр одамлари” – зиёлилар эди. У XX аср манзаралари ичида юрар экан, журналист бурчининг тақозоси ва табиатида келиб чиқиб, машҳур Альбер Камю тили билан айтганда “бугун тарихни яратаётганларга эмас, уни ўз бошидан ўтказаяётганларга” қаламини хизматга қўйди.

Анвар ака жаҳонгашта журналист сифатида ном қозongan. Ҳозир ўйлаб қолам: устоз дунё кезиб нимани изладийкан? Бир қарашда бу саволнинг жавоби жуда юзада тургандек, анчайин осондек туюлади. Назаримда, у буюк ижодкорлар фикри ва шахсияти билан юзма-юз келишни эмас, энг аввало, ўзини, ўзли-

гини, ўз сўзини излаган – ва топган ҳам! Бунга исбот излаб узоққа бормайлик – устознинг “Йигирманчи асрим менинг” деб номланган, ҳам ҳажм, ҳам мазмун жиҳатидан салмоқли асарини қўлимизга оспак бас.

Китобда жамланган суҳбатлар сарлавҳасининг аксарияти муаллифнинг содда, самимий, эзгуликка йўғрилган қалбини акс эттириб турибди: “Нега баландларга учди бургут?”, “Ҳар оқшомнинг суҳби бор”, “Сўз башарнинг жонбахш ўзаги”, “Энг улугъ тахт”, “Мезбонлик қарзимни узгани келдим”, “Ҳаётнинг илдизи ерга қадалган”, “Дил дардининг дармони”, “Бўғзинида қолмасин овозинг асло!”, “Ўзганинг мағлубиятидан қувонманг”, “Ёруғлик – Шарқдан”, “Қулгининг қудрати”, “Агар чашма йўлида сой оқса”, “Янги аср остонасидан ўтдим”.

“Йигирманчи асрим менинг” китобининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган тақдиротида сўзга чиққан Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид, шоир Минхожиддин Мирзо, таниқли ёзувчи ва шоир Нурали Қобул, шоир ва журналист Абдунаби Бойқўзиев, профессор Қозоқбой Йўлдошев, ёзувчи Гафур Шермуҳаммад ва бошқа бир қатор олимлар ва ижод-

корлар Анвар Жўрабоевнинг ўзбек журналистикаси ва матбуотини ривожлантиришга қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида тўлқинланиб гапиргандилар. Тадбирда дунёга машҳур адиб, Нобель мукофоти лауреати Михаил Шолохов таъбири билан айтганда, “Жасур журналист Анвар Жўрабоев”нинг ижоди йўли гоятда сермахсул, қизиқарли ва мураккаб шароитларда кечганлиги эътироф этилганди.

Устозимизнинг Руфино Тамай, Михаил Шолохов, Габриэль Маркес, Чингиз Айтматов, Евгений Евтушенко, Расул Ҳамзатов, Аркадий Райкин, Жанни Моранди, Робертино Лоретти, Святослав Рихтер, Лев Яшин, Густав Эрнескас, Анатолий Карпов, Федерико Феллини, Питер Брук, Марчелло Мастротриани, Николай Озеров, Ўлжас Сулаймонов, Сергей Бондарчук, Алекс Ла Гума, Андрей Сахаров, Раж Капур сингари турли халқларга мансуб буюк ижодкорлар, жамоат ва сиёсат арбоблари, спортчилар билан қилган суҳбатлари ўзбек журналистикасининг “Олтин фонди”дан жой олган.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ҳаётида 1994 йили тарихий воқеа содир бўлди – Франция Президенти Франсуа Миттеран расмий ташриф билан юртимизга келди. Ушбу ташрифдан аввал Анвар ака Парижга бориб, Франсуа Миттерандан интервью олишни урдасидан чиқди. Парижда рус таржимони орқали суҳбат олиб борилагани учун матн ҳам рус тилида тайёрланди. Устоз мазкур

тарихий суҳбатни ўзбек тилига таржима қилишни каминига ишониб топширди. Мустақилликнинг эндигина учинчи йили ўтиб борар, истиқлолимизни барча хорижий мамлакатлар, айниқса, Францияга ўхшаган БМТ Хавфсизлик кенгашининг аъзоси, Европа Иттифоқининг сиёсий масалалардаги етакчи давлати зўр иштиёқ билан қўллаб-қувватлайди, деган содда ҳаёллarga берилиб юрган кунларимиз эди. Таржимани тугатиб, маттни яна бир бор ўқиш жараёнида Миттеран Ўзбекистон ҳақида жуда кам гапиргандек туюлди менга. Ҳали халқаро алоқаларнинг талабларидан беҳабар ҳолда ўзбек тилида чиқадиган газетани Франция Президенти ўқиб ўтирармиди, деган иштибоҳ билан – “Ўзбекистонга йирик инвестициялар киритамиз”, “қўллаб қўшма қорхоналар тузимиз”, “янгича технологиялар берамиз” деган тарзда суҳбатга “қўшимчалар” киритдим. Интервью саҳифаланиб бўлганидан сўнг кечга томон Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари келиб уни ўқишди. Уларнинг қўлида диктофонда ёзиб олинган суҳбатнинг оригинали борлиги етти ухлаб тушимга кирмаганди. Улар менинг “ижодий қўшимчаларим”ни бир зумда чиққан ҳар бир материални ўқиб, таржима қилиб, таҳлил қилиб боради, деб енгил танбех бердилар. Бу ижодий фаолиятимда катта сабоқ бўлди.

Анвар аканинг умр йўлдоши билан суҳбатни ўқиб, устознинг умри доимий изла-ниш, ўрганиш, ижодий мулоқотлар, сафарларда ўтганлигини англаймиз. Қўшниб турибдики, ҳаётдан ҳаловат кўриш – у кишига бегона бўлган. “Халқ сўзи” газетасида бирга ишлаган йилларимизда ҳам бунга сезганман. Анвар ака мамлакатимизда биринчи кўп варақли рангли газетани – биринчи инглиз тилидаги илова газетани нашр қилган тиниб-тинчимас ижодкор эди. Журналистларнинг касб байрами арафасида устознинг ижодий лабораториясига у кишининг умр йўлдоши хотиралари орқали назар солиниши барчамизни қувонтирди.

